

## Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўяди | Тазкия дарслари (259-дарс)

Image not found or type unknown



19:00 / 10.12.2023 3870

هُلِّلَا يَضْرُءَ لَءَمَامُ أَيَبَا نَع  
هُلِّلَا لُؤْسَرُ تُعَمَسُ لَأَقُ هُنَع  
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلِّلَا يَلَص  
عَادُولَا هَجَحِي فُبُطْخِي

أُولَٰئِكَ صَوَّءٌ هَلَلَا أَوْقَاتَا «: لَأَقْفَ  
مُكْرَهَش أَوْمُوصَوَّءٌ مُكْسَمَخ  
أَوْعِي طَأَوَّءٌ مُكَلْ أَوْمَأَءَ كَز أَوْدَأَوَّءٌ  
ءَنَج أَوْلُخَدَتٌ مُكْرَمَأَءَ أَد  
ءِي ذِمَّرْتَلَا هَأَوَّرٌ . «مُكْسَبَر

Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг видолашув ҳажида хутба қилиб:**

**«Аллоҳга тақво қилинглр, беш намозингизни ўқинглр, оингиз рўзасини тутинглр, молларингизнинг закотини беринглр ва ишбошингизга итоат қилинглр, Роббингизнинг жаннатига кирурсизлар», деганларини эшитдим».**

*Термизий ривоят қилган.*

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам умматларига хитоб қилиб, қуйидаги амалларни ихлос билан бажаришни амр қилмоқдалар:

### **1. «Аллоҳга тақво қилинглр».**

Аллоҳга тақво қилиш Унинг амрларини бажо қилиш ва қайтарганларидан қайтиш билан бўлади. Тақвонинг энг аввалги ўринларида ушбу ҳадисда зикр қилинган амаллар туради.

## **2. «Беш намозингизни ўқинглар».**

Яъни фарз қилинган беш вақт намозингизни ўқинглар.

## **3. «Ойингиз рўзасини тутинглар».**

Яъни сизга фарз қилинган Рамазон ойининг рўзасини тутинглар.

## **4. «Молларингизнинг закотини беринглар».**

Ҳар бир турдаги молдан қандай ва қанча закот бериш аниқ, ана шунга қараб, ҳар ким ўзига фарз бўлган закотни берсин.

## **5. «Ишбошингизга итоат қилинглр».**

Яъни шаръий маънода сизга бошлиқ бўлган одамга Аллоҳнинг амрига мувофиқ бўлган ишида итоат қилинглр. Аллоҳга маъсият бўладиган ишда бандага итоат қилиб бўлмайди.

## **6. «Роббингизнинг жаннатига кирурсизлар».**

Демак, инсон жаннатга кириши учун ушбу зикр қилинган нарсаларнинг ҳар бири адо этилиши зарур.

هُلَّيْ رُدُّخُ لِي دِي عَسِي بَأُ نَع  
يَبُّ نَلِي نَع ، هُنَّ عُلَلِي يَضَر

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعٌ هَلَلَا يَلَصُ  
ثَالِثٌ هَلَّ نَاكَ نَمَ «: لَأَقِ  
وَأُتِ أَوْخَا ثَالِثٌ وَأُتِ أَنْبِ  
نَسْحَ أَفِ، نَاتُخُ وَأُتِ أَنْبِ  
هَلَلَا يَقُتْ أَوْ، نُهُتْ بَحُصِ  
هَأُورِ. «هُنَّ جَلَا هَلَفِ، نُهُيْفِ  
دُوَادِ وَبَأُيْ ذِمَّرْتَلَا

Абу Саъид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Кимнинг учта қизи бўлса, ёки учта синглиси бўлса, ёхуд икки қизи ёки икки синглиси бўлса, у уларнинг суҳбатини яхши қилган бўлса ва уларнинг ҳақида Аллоҳга тақво қилган бўлса, унга жаннат берилур», дедилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.*

هُلَّلَا يَضَرُّهُ لَـةَ زِيَرُهُ يَبَأُ نَع  
هُلَّلَا لُؤْسَرَلِيُسَ : لَأَقُ هُنَع  
نَعَمَّ لَسَوِ هِيَلَعُ هَلَّلَا يَلَص  
، هُنَجَلَا سَأَنَلَا لُخُدِي أَمْرَثُكَأ  
نُسُحَوِ ، هَلَّلَا يَوَقَتَ « : لَأَقَف  
أَمْرَثُكَأ نَعَلِيُسَوِ ، « قُلُخُلَا  
: لَأَقَف ، رَأَنَلَا سَأَنَلَا لُخُدِي  
هُأَوْر . « جُرْفُلَاوُ مَفُلَا »  
يُذِمُّرَتَلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўралди.

«Аллоҳга тақво қилиш ва ҳусни хулқ», дедилар.

Яна ул зотдан одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарса ҳақида сўралди.

«Оғиз ва фарж», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

Аллоҳга тақво қилиш нима эканини ва у билан банда қандай олий даражаларга етишишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Банда ўзининг ҳусни хулқи билан ҳам худди Аллоҳга тақво қилиш орқали эришгандек, олий даражаларга эришиши мумкин экан.

Аллоҳга тақво қилишга ҳусни хулқ ҳам қўшилса, қанчалар улўғ иш бўлар эди. Зотан, бу икки нарса ўзаро чамбарчас боғлангандир.

هُلِّلَا يَضَرُّهُ لِرَّذِي بَأَنَع  
لُؤْسَرَّ يَلَلَاقَ : لَأَقُ هُنَع  
هُيَلَعُ هَلَلَا يَلَّصَ هَلَلَا  
أُمُّتِي حَلَلَا قَاتَا « : مَلَسَو  
هُيَلَّسَلَا عِبَّتَا وَ تَنْكُ

# قَلِّ لِحَاكِمِي، اَهُخِّمَتَ عَنِّي سَخْلًا هُوَ أَوْرٌ. «نَسَحَ قُلُوبَ سَائِلِي يَذُمَّرْتَلِي»

Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга:**

**«Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшиликни эргаштир. Бу уни ўчиради. Одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадиси шарифларида лозим тутиш зарур бўлган учта улкан ишнинг биринчиси ўлароқ, тақвони зикр қилмоқдалар:

**«Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил».**

Банда қай маконда бўлса ҳам, қандай ҳолда бўлса ҳам Аллоҳ таолога тақво қилишни ҳеч қачон тарк этмаслиги лозим.

# هُوَ لِي فِي ضَرْبِ عِلْمٍ زَيْرُهُ يَبْأَنَعُ

لُؤْسَرَايَ : لَأَقِ الْجَرَّ نَأُ : هُنَع  
رَفَّسْ لَأُ دِيرَأُ يِّنَا ، هَلَلَا  
كَيْلَعِ » : لَأَقِ ، يَنْصُ وَأَف  
رِبْكَتْ لَأَوِ ، هَلَلَا يَوْقَتِ ب  
يَلَوِ أَمَلَفِ ، « فَرَشَّ لُكْ يَلَعِ  
هَلِ وُطَا مُهَلَلَا » : لَأَقِ ، لُجْرَلَا  
« رَفَّسْ لَأُ هَيْلَعِ نَوَهَوِ ، ضُرَأَلَا  
يِذْمَرَّتْ لَأُ هَأَوِرِ .

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Бир киши:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Сафар қилмоқчиман, менга насиҳат қилинг»,  
деди.**

**«Аллоҳга тақво қилишни, ҳар баландликда такбир айтишни ўзингга  
лозим тут», дедилар. Ҳалиги одам ортига қайтганидан кейин яна:  
«Аллоҳим! Унга ерни яқин қилгин ва сафарни унга осон қилгин»,  
дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Тақво ҳақида айтилган гаплардан намуналар:

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга юборган аҳдномада жумладан қуйидагилар бор эди:

**«Аммо баъд: албатта, мен сени ва сен билан бўлган жангчиларни ҳар қандай ҳолда ҳам Аллоҳга тақво қилишга чақираман. Албатта, Аллоҳга тақво қилиш душманга қарши афзал тайёргарлик ва урушдаги энг кучли ҳийладир».**

Ибн Асокир раҳматуллоҳи алайҳи Салама ибн Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

**«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга мол келди. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу унинг олдига келиб:**

**«Эй мўминларнинг амири! Ушбу молдан бирор қора кун ёки воқе бўладиган иш учун байтулмолда тутиб турсангиз!» деди. Умар унга:**

**«Бу гапни шайтондан бошқа ориз қилмаган. Аллоҳ таоло унинг ҳужжатини менга талқин қилди ва унинг фитнасидан мени сақлади. Келаси йилдан хавфсираб, бу йили Аллоҳга осий бўламанми?!**

**Улар учун Аллоҳнинг тақвосини тайёрлаб қўяман! Аллоҳ таоло: «Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур», деган. Мендан кейин келадиганга фитна бўлиши учунми?» деди».**

***Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.